# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 17 июнь, № 119 (6302) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда она-Ватанимиз, Ўзбекистонимизнинг барқарор суръатлар билан ривожланиб, барча соҳаларда улкан ютуқларга эришаётганини, юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осойишта, фаровон ҳаётни халқимиз авваламбор Яратганимизнинг марҳамати сифатида шукроналик ва розилик туйғуси билан қабул қилмоқда.

Шу борада эзгулик, саховат, меҳр-шафқат рамзи бўлган муборак Рамазон ойининг маънавий-руҳий ҳаётимиздаги алоҳида ўрни ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро аҳиллик ва тотувлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, халқимизга хос олижаноб фазилатларни, диний-маърифий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлаш мақсадида:

1. 2015 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши 18 июнь кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Рамазон ойини жойларда миллий анъана ва қадриятлар, урф-одатларимизга мос ва ҳамоҳанг тарзда ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

Мазкур тадбирларни ўтказишда муборак Рамазон ойининг моҳиятида мужассам бўлган инсонийлик, сабр-қаноат туйғуларини, муқаддас динимиз арконларини эъзозлаш, бугунги тинч ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш, одамларни ўзаро яхшилик қилишга, барча миллат ва халқлар билан ҳамжиҳат бўлиб яшашга даъват этишга қаратилган кенг кўламдаги савобли амаллар, тарғибот ишлари ташкил этилсин.

Ушбу қутлуғ ойда эҳтиёжманд кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила ва маҳаллаларда меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, ёши улуғ инсонларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, буюк алломалар, азиз-авлиёларимизнинг табаррук қадамжолари ва зиёратгоҳларини ободонлаштириш бўйича олиб бориладиган тадбирларни янада кучайтиришга алоҳида аҳамият берилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2015 йил 16 июнь

# ИСТИҚБОЛЛИ ҲУДУДИЙ ДАСТУРЛАР

## иқтисодиёт тармоқларининг изчил ривожига хизмат қилаяпти

*Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳали-ҳамон давом этаётган бир шароитда мамлакатимиз иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатлари кузатилаётгани қувонарлидир. Табиийки, бунинг замирида истиқболни кўзлаб амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, жумладан, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификация қилиш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик тараққиётига йўналтирилган изчил саъй-ҳаракатлар мужассам. Шу билан бирга, ички истеъмол бозорини рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиришда замонавий технологиялардан самарали фойдаланаётган тадбиркорлик субъектларининг ҳиссаси катта бўлмоқда.*



Буни биргина Наманган шаҳридаги "Наманган момиқ сочиқлари" масъулияти чекланган жамияти фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Бугунги кунда 125 киши меҳнат қилаётган корхонада пахта толасидан 42 турдаги экспортбоп маҳсулотлар тайёрланаяпти. Ип йигириш, ўраш ва тўқиш, гул босиш ишлари энг сўнгги технологик ускуналар ёрдамида амалга оширилаётир. Бу сифат кўрсаткичлари юқори бўлишини таъминламоқда.

— Дастгоҳларимиз Европа мамлакатларидан келтирилган, — дейди тикув машинасини моҳирлик билан бошқараётган Дилшода Абдурашидова. — Улар қулайлиги ва унумдорлиги билан алоҳида ажралиб туради. Мен ўтган йили Янгиқўрғон алоқа ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежини тамомлаб, шу ерга ишга келган эдим. АКТдан яхши хабардор бўлганлигим боис компьютерлаштирилган дастгоҳларни ишлатишни қисқа фурсатда ўзлаштириб олдим.

Яқинда ушбу тадбиркорлик субъектида амалга оширилган модернизация-

**МОДЕРНИЗАЦИЯ**

лаш тадбирларига 2 миллион 780 минг АҚШ долларилик сармоя йўналтирилди. Натижада ип ўрашдан тортиб, маҳсулотни тайёр ҳолга келтиришгача бўлган барча жараён замонавий технологиялар ёрдамида бажариладиган бўлди.

Айтиш керакки, бу каби янгиланишлардан сўнг корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳияти сезиларли даражада ошди. Жамиятда кейинги тўрт ой мобайнида 6,5 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлангани ҳам бунинг яққол тасдиғидир. Мазкур кўрсаткич ўтган йилдагига нисбатан анча юқоридир.

— Биз ишлаб чиқараётган момиқ сочиқлар матоси нам ва сувни тўла шимиб олиш хусусиятига эга, — дейди жамият раҳбари Ғиёсиддин Бобохонов. — Шу боис ички бозорда ҳам, хорижда ҳам маҳсулотларимизга талаб ортиб бораяпти. Айниқса, экспорт бўйича таклифлар тобора кўпаймоқда. Шундан келиб чиқиб, маҳсулотимизнинг 80 фоизини хорижлик буюртмачиларга жўнатаяпмиз.

(Давоми 2-бетда).

**Жорий йилнинг тўрт ойида корхона томонидан чет эллик ҳамкорларга "Art soft tex" ёрлиғи билан 920 минг долларга тенг маҳсулот етказиб берилди.**

## Ўзбекистон — Жанубий Корея:

# ИККИ ТОМОНЛАМА ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК

*Жанубий Кореяда нашр этиладиган "Seoul City" журналининг навбатдаги сонида эълон қилинган "Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатлари: икки томонлама ишончга асосланган ҳамкорлик" сарлавҳали мақола Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг жорий йил 27-29 май кунлари Корея Республикасига буюрган давлат ташрифининг якунлари мавзуига бағишланган.*

**ДУНЁ НИГОҲИ**

Мақолада олий даражадаги учрашув чоғида икки томонлама ҳамда кўп томонлама ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар очиқлик, ўзаро ишонч ва конструктивлик муҳитида муҳокама қилингани қайд этилади.

"Жорий йилнинг март ойида Президент лавозимига сайланганидан сўнг Ислом Каримов биринчи давлат ташрифи билан айнан Корея Республикасига келгани учун Жанубий Корея томони чуқур миннатдорлик изҳор этди, — деб ёзади нашр. — Бу икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ўзаро ҳамкорликнинг кўламлари ва истиқболларини ҳамда Ўзбекистон томонидан Корея Республикаси билан стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашга жуда катта аҳамият берилаётганини тасдиқлайди.

Томонлар мазкур ташриф олий даражадаги мунтазам мулоқотларнинг мантиқий ва ҳаққоний давоми бўлганини ҳамда у ҳамкорликнинг барча йўналиши бўйича амалий саъй-ҳаракатларга янада кучли ўсувчанлик бағишлаш юзасидан икки томонлама сиёсий хоҳиш-иродани намойиш қилганини қайд этдилар. Давлат раҳбарлари алоҳида таъкидлаганидек, "Энг муҳими, томонлар ўзаро муносабатларни қадрлайдилар, бу — самимий икки томонлама ишончдир".

Мақолада маълум қилинганидек, "Бўлиб ўтган самарали ва конструктив музокаралар икки томонлама ҳамкорликнинг барча йўналиши ҳамда муҳокама этилган минтақавий ва халқаро сиёсатдаги муаммолар юзасидан қарашлар ва ёндашувларнинг яқин эканлигини тасдиқлади. Жумладан, давлатлар раҳбарлари баён этганларидек, Марказий Осиё сув ресурсларини ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш масалалари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрларига мувофиқ равишда минтақанинг барча давлатлари манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиниши лозим".

(Давоми 2-бетда).

**МУНОСАБАТ**

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ўқитиш сифати ва мазмунини янги поғонага кўтариш, малакали кадрлар тайёрлашнинг замонавий механизмини яратиш, ўқув дастурлари ва адабиётларини янгилашга қаратилган ислоҳотлар босқичма-босқич, тизимли равишда амалга оширилмоқда.

# Таълим тараққиётининг муҳим босқичи

Бири-биридан кўркам, замонавий таълим муассасалари барпо этилиб, уларнинг моддий-техник базаси йилдан-йилга мустаҳкамланаяпти. Биргина 2014 йилда Давлат бюджетининг 34 фоизи айнан фан ва таълимни ривожлантиришга ажратилгани юртимизда мазкур соҳа тараққиётига берилаётган эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

Ўзбекистонда таълим тизимида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар, эришилаётган натижалар халқаро ҳамжамият томонидан ҳам алоҳида эътироф этилаётгани диққатга сазовор. Албатта, бунда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ қилинаётган "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар дастуриламал бўлмоқда.

Бугунги кунда малакали профессор-ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва тажрибасини ошириш, пировардида ёш авлодни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш ҳаётий заруратдир. Шу маънода, Президентимизнинг 2015 йил 12 июнда қабул қилинган "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг касб даражасини ва малакасини муттасил ошириб бориш, уларни замонавий талабларга мувофиқ мунтазам қайта тайёрлашнинг янада такомиллаштирилган тизимини жорий қилишга қаратилгани билан муҳим аҳамият касб этади.

Фармонда, жумладан, профессор-ўқитувчиларнинг қонунчилик нормалари, назария, илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқитилаётган фанлар бўйича инновациялар, шунингдек, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари соҳасидаги сўнгги ютуқларни чуқур ўрганиш ўз ифодасини топди. Бу бежиз эмас. Авваламбор, ўқитувчининг ўзида қонун ҳужжатлари мазмуни юзасидан чуқур билимни шакллантириш ва бу орқали талаба-ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш лозим.

(Давоми 2-бетда).

# Хотин-қизлар имкониятлари

## ижтимоий шериклик асосида кенгаймоқда

*Ижтимоий шериклик — фуқаролик жамияти институтлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, тадбиркорлик субъектлари ҳамкорлигининг ижтимоий-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, ижтимоий долзарб масалаларни ҳал этишдаги ўзаро муносабатларнинг муҳим жиҳатидир.*

**ҚОНУН ВА ИЖРО**

Жорий йилнинг 1 январидан кучга кирган "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бугунги кунда ҳаётимизнинг барча жабҳасига кенг татбиқ этилиб, давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Чунончи, унда аҳоли бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, фуқаролар соғлиғини муҳофаза этиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук қилиб тарбиялаш ва касб-ҳунарга йўналтириш, оналик ва болаликни, шунингдек, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлашга оид қатор нормалар акс этган бўлиб, буларнинг ҳаммаси ижтимоий шериклик асосида изчил бажарилаётир.

Бу борада Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳам йирик жамоат ташкилоти сифатида фаол иш олиб бормоқда. Айни кунларда қўмита томонидан қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда амалга оширилаётган лойиҳалар, турли тадбирлар ва ижрога йўналтирилган дастурлар ўз самараларини бераётир. Хусусан, маҳаллаларда "Оилага кириш", "Саломатлик", "Таълим ва тарбия", "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси", "Бандлик" секторлари фаолиятининг йўлга қўйилгани аҳоли, айниқса, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. ҚВП ҳамда оилавий поликлиникаларда ҳомиладор аёллар, болалар ва ўқувчи-ёшлар учун махсус ҳафта кунлари белгиланган ва бу мазкур бирламчи тиббий муассасаларнинг аҳоли ўртасида тиббий маданиятни тарғиб этиш, шифокор ва ҳамшираларнинг оилалар билан ишлашдаги масъулиятини кучайтиришга хизмат қилаяпти.

(Давоми 2-бетда).

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**

Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда

**146 та**

янги корхона экспорт фаолиятига жалб этилди.

Жаҳон бозорида харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини кенгайтириш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, экспортчи корхоналарни ўз маҳсулотларини ташқи бозорга чиқаришда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилгани бу борада муҳим омил бўлди.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айни тезкор замонда ривожланган давлатларда самарали қўлланилаётган ўқув жараёнини ташкил этишнинг илғор услублари ҳақидаги билим ва кўникма ҳам, ўз навбатида, талаба-ёшларнинг самарали билим олишларига кўмаклашади.

Идоравий мансублигидан қатъи назар, мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари уч йилда камида бир марта доимий асосда икки ой давом этадиган Таянч олий ўқув юртлари курсларида қайта тайёрланиши ва малакасини ошириши шартлиги, курслар якунида тимизда тўпланган ижобий тажрибадан келиб чиқиб, олий ўқув юртларининг раҳбар ва ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш жараёнларини мувофиқлаштириш учун доимий фаолият юритадиган Идоралараро комиссия ташкил этилиши ва унинг вази-

# Таълим тараққиётининг муҳим босқичи

Бундан ташқари, ўқитувчиларнинг глобал интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларидан фойдаланган ҳолда, замонавий инновацион педагогика, ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаши ва уларни ўқув жараёнига фаол татбиқ этиши, олий ўқув юртлари педагог кадрларининг чет тилини амалий ўзлаштириш даражасини ошириши каби замонавий талаблар қўйилмоқда. Бу эса ўқитувчидан ҳам ўз устида мунтазам ишлашни талаб қилади. Айниқса, ўқитувчиларнинг амалий жиҳатдан чет тилларини билиши уларнинг ушбу соҳадаги халқаро илғор тажриба ва ютуқлардан хабардор бўлиш, самарали тажрибаларни таълим жараёнига татбиқ этишини таъминлайди.

Шунингдек, республикамиздаги 15 та етакчи олий ўқув юртининг олий таълим муассасалари раҳбар ва педагогик кадрларини қайта тайёрлашни ташкил этиш бўйича Таянч олий ўқув юртлари сифатида белгилангани, ўз навбатида, профессор-ўқитувчиларни юқори илмий ва амалий тажрибага эга бўлган олий ўқув юртларида малака ошириш, ижобий тажриба тўплашларига имкон беради.

тингловчилар аттестациядан ўтиши лозимлиги белгиланди. Бу билан ўқитувчиларга қабул қилинган янги қонунлар, таълим тизимидаги сўнгги янгиликлар, дунё давлатларидаги ижтимоий-сиёсий вазият кабилар билан ўз вақтида танишиш учун ишдан ажралган ҳолда ўрганишга шароит яратилади.

Таъкидлаш жоизки, республикамизда турли соҳаларда, хусусан, вояга етмаганлар, одам савдоси, инсон ҳуқуқлари, ҳуқуқий тарғибот билан боғлиқ идоралараро комиссиялар ёхуд ишчи гуруҳлари томонидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар муайян соҳадаги муаммолар ечимини ўз вақтида топиш, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаш самарадорлигини таъминламоқда. Мамлакафалари кўрсатиб ўтилгани эътиборга молик.

Фармонда мазкур йўналишнинг ҳуқуқий асосини тасдиқлаш, ўқув-услубий ва моддий-техник базани мустаҳкамлаш, унга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш вазифалари юклатилди. Бундан кўзланган мақсад олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни тизимли жараёнга айлантириш, қолаверса, профессор-ўқитувчиларни халқаро муносабатлар ва республикада амалга оширилаётган сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ислоҳотлар, режалаштирилаётган чора-тадбирлардан, таълим тараққиётининг сўнгги ютуқларидан ўз вақтида тўла хабардор бўлишига эришишдир.

Мухтасар айтганда, ахборот-коммуникация технологиялари жадал тараққий этиб бораётган, таълим муассасаларида машғулотларни замонавий стандартлар асосида олиб боришга талаб кучаётган даврда юксак билимли ва интеллектуал ривожланган баркамол авлодни, салоҳиятли мутахассисларни тайёрлаш устувор вазифаларимиз сирасига киради. Бундай шарафли ишда, табиийки, юқори малакали, замонавий дунёқарашга эга раҳбар ва педагог кадрларнинг ўрни беқиёсдир.

**Алишер ШАДМАНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси.**

Ўзбекистон — Жанубий Корея:

# ИККИ ТОМОНЛАМА ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

“Савдо-иқтисодий, сармоявий ва молиявий соҳалар икки томонлама муносабатлардаги энг муҳим йўналишларни ташкил этади, — деб ёзади журнал. — Жанубий Корея томони Ўзбекистонда эришилган макроиқтисодий барқарорликни, яратилган қулай сармоявий муҳитни ҳамда таълимни, инфратузилмани ривожлантириш, саноатни модернизациялаш, замонавий қишлоқ хўжалиги тармоқларини барпо этиш юзасидан олиб борилаётган ислоҳотлар ва чуқур тизимли ўзгаришларга юқори баҳо берди. Глобал иқтисодиётдаги мураккаб вазият ҳукмронлиги шароитида кейинги 10 йил мобайнида иқтисодий ўсиш суръатлари 8 фоиздан ошаётгани катта эътиборга сазовордир”.

Мазкур мақолада Ўзбекистон — Жанубий Корея товар алмашувлари бирдек ўсувчанликка эга эканлиги, уларнинг кейинги йиллар мобайнидаги кўрсаткичлари барқарор равишда 2 миллиард АҚШ долларидан ошаётгани алоҳида таъкидланади. “Ўзбекистон бизнес бўйича Корея Республикасининг Марказий Осиё минтақасидаги йирик савдо-сармоявий ҳамкори ҳисобланади”, деб ёзилади журналда.

Шунингдек, “Seoul City” Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг давлат ташрифи якунлари бўйича Сеулда 60 та битим ва шартнома имзолангани, уларнинг 55 таси савдо-иқтисодий, инвестиция ва молиявий-техник ҳамкорлик соҳасига тааллуқли эканлигини ҳам ўқувчилар эътиборига ҳавола қилган.

Нашр молиявий ҳамкорлик Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатларининг устувор йўналиши ҳисобланиши ҳақида ҳам тўхталган. У мазкур ташриф доирасида Жанубий Кореянинг имтиёзли кредит ресурсларини жалб этиш бўйича 7 та битим, саноатни модернизация ва диверсификация қилиш, инфратузилмани ривожлантириш дастурлари доирасида устувор лойиҳаларни молиялаштириш учун Корея Республикаси банкларининг умумий қиймати 2,9 миллиард долларлик узоқ муддатли инвестициявий кредитларини жалб этиш бўйича 6 битим имзолангани қайд этади.

Мақола хулосасида “Seoul City” журнали Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Корея Республикасига буюрган ушбу давлат ташрифи ўзаро муносабатлардаги тарихий босқич бўлиб қолгани ва у икки томонлама ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқишини таъкидлайди.

**«Жаҳон» АА.**
Сеул

# ИСТИҚБОЛЛИ ҲУДУДИЙ ДАСТУРЛАР

## иқтисодиёт тармоқларининг изчил ривожига хизмат қилаяпти




(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Корхонанинг маркетинг бўлими томонидан экспорт жуғрофиясини янада кенгайтириш борасида махсус ҳаракат режаси ишлаб чиқилган. Унга кўра, ҳозир Европанинг бир қатор давлатларидаги улгуржи савдо компаниялари билан музокаралар ўтказилмоқда. Айни пайтда француз ишбилармон доиралари билан маҳсулот етказиб бериш бўйича келишувга эришилаяпти. Германиядан ҳам таклифлар бор.

Наманганда бундай илғор корхоналар сафи тобора кенгайиб бораётгани қувонарлидир. Уларнинг истиқболли лойиҳаларини рўёбга чиқаришда вилоят саноат салоҳиятини ошириш бўйича қабул қилинган махсус дастур кенг имкониятлар эшигини очмоқда. Чунончи, ушбу йўналишда 2015 йил учун мўлжалланган дастурга мувофиқ, умумий қиймати 2,9 триллион сўм бўлган 276 та лойиҳани рўёбга чиқариш кўзда тутилган. Мазкур жараёнда 155 та янги корхона ташкил этилиб, мавжуд 121 ишлаб чиқариш субъекти техник ва технологик жиҳатдан янгиланади. Қувонарлиси, жорий йилнинг биринчи чорагида ушбу лойиҳаларнинг 18 таси ниҳоясига етказилди. Бунинг учун 3,1 миллиард сўм сармоя йўналтирилди. Пировардида 218 та иш ўрни яратилиб, ўнлаб турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Умуман олганда, вилоят саноат салоҳиятини ошириш дастуридан кутилаётган натижаларнинг салмоғи юқори. Яъни бунга мувофиқ, йил охиригача ишга тушириладиган қувватлар 224 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлаш имконини беради.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳусниддин ҲАМИДОВ олган суратлар.

ИЗЛАНИШ

*Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослаштирилган “Левадия Бухара” масъулияти чекланган жамиятида модернизациялаш тадбирлари амалга оширилди.*

# Илғор технологик линия

Хусусан, корхона Германиянинг замонавий ускуналари билан жиҳозланди. Натижада бу ерда йилига 300 тонна мевани қуритиш имконияти юзага келди.

— Бунинг учун 500 миллион сўм миқдорида сармоя сарфладик, — дейди лойиҳа ташаббускори Илҳом Сайфиев. — Шундан 100 миллион сўми банк кредитидир. “Кронен” фирмасидан харид қилинган технологик линия электр энергиясини тежаши, иш унумдорлигининг юқорилиги билан бизга маъқул тушди. У бир пайтнинг ўзида мевани пўстлоғидан ҳамда уруғидан ажратади ва бўлаклайди. Яримтайёр маҳсулот микротўлқинли печда қуритилади. Шундан сўнг бежирим халтачаларга солиниб, буюртмачиларга етказилади.

Шунингдек, мазкур корхона жамоаси деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда агрофирмалар учун мевани қуритишга мўлжалланган ихчам технологик ускуналар ҳам ишлаб чиқармоқда.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Қисқа сатрларда

● “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши томонидан “Ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чоралари” мавзуида семинар ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни ҳамда қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти иштирокчиларга атрофлича тушунтирилди.

**● Андижонда “Профилактик тиббиёт: бугун ва эртага” мавзуида республика илмий-амалий анжумани ташкил этилди. Унда иштирокчилар ички, жарроҳлик касалликлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, юқумли касалликлар, эпидемиология, ОИВ/ОИТС инфекцияси йўналишлари бўйича секцияларга бўлинган ҳолда иш юритди.**

● Сурхондарё вилояти таълим муассасалари ва ҳарбий қисмларда Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси ташаббуси билан нашр этилган “Унутилмас ёрқин юлдузлар” китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

**● Нукусда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигида тадбиркорлик фаолиятига оид имтиёз ва имкониятларни амалиётга жорий этиш масаласига бағишлаб семинар ўтказилди. Унда давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари қатнашди.**

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

# Хотин-қизлар имкониятлари

## ижтимоий шериклик асосида кенгаймоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Фаолиятимизнинг устувор йўналишлари ижтимоий шериклик муносабатлари асосига қурилган, — дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Гулнора Маруфова. — Мисол учун, ўтган даврда қўмита томонидан қатор ташкилотлар билан биргаликда хотин-қизларда тадбиркорлик кўникмасини ривожлантириш, касб-ҳунар коллежларини тамомлаган қизларни ишга жойлаштириш, уларнинг бизнес-лойиҳаларини рўёбга чиқариш мақсадида туркум семинарлар ўтказилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудида Битирувчиларни иш билан таъминлашга кўмаклашувчи штаблар ташкил этилди. Мазкур штабларга бириктирилган мутахассислар мустақил ҳаётга йўлланма олаётган ёшларнинг бандлигини таъминлаш билан бир қаторда, уларни узлуксиз таълим билан тўлиқ қамраб олишга кўмаклашмоқда. Ташкилот томонидан ёшлар, айниқса, ўсмир қизларни тўғри тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгида Ватанга муҳаббат, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини мустаҳкамлаш, қисқача айтганда, навқирон авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ижтимоий лойиҳалар мазмун-моҳияти ва аҳамиятига кўра долзарбдир.

Шу ўринда ёш оилалар билан ишлаш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, билим масканларида ўқув-тарбия жараёнини янада яхшилаш, оила, эрта никоҳ муносабатларини тартибга солишда хотин-қизлар бошланғич ташкилотларининг ҳиссаси катта бўлаётганини қайд этиш жоиз.

— Аёллар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, турли ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш доимий диққат-эътиборимиздаги масала ҳисобланади, — дейди Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Манзура Юнусова. — Вилоятимиздаги 868 та маҳаллада бешта муҳим йўналиш асосида тизимли ишлар олиб борилаяпти. Оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, кўчалар, маҳаллалар, хонадонларимизни ободонлаштириш, қизларни касб-ҳунарга, спортга кенг жалб этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ қилинмоқда. Айни пайтда ўқув муассасалари қошида, маҳаллаларда ташкил этилган “Ораста қизлар”, “Ораста қизлар давраси” тўгараклари қизлар тарбиясида, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашишда муҳим аҳамият касб этаётир. Бундан ташқари, ҳудудимизда Аёллар ижтимоий мослашув маркази фаолият кўрсатмоқда. Эътиборли томони, бугун барча эзгу саъй-ҳаракат, мақсадларимиз ижтимоий шериклик муносабатлари асосида амалга оширилаётгани кўзланган натижаларни бермоқда.

Қўмита томонидан айни чоғда “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар, яъни ёши улуғ инсонларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, фахрий аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаёт йўлини ёшларга ибрат қилиб кўрсатишга катта эътибор қаратилаяпти.

— “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонун хотин-қизлар қўмиталарининг давлат идоралари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорликдаги ишларини самарали ташкил этишда муҳим омил бўлмоқда, — дейди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси нодавлат нотижорат ташкилотлари гуруҳи раҳбари Дилбар Алимжанова. — Ўтган ҳафтада қўмита ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбатида ушбу соҳада олиб борилаётган ишлар қизғин муҳокама қилинди. Қайд этиш жоизки, ижтимоий шериклик муносабатларининг нафақат йирик жамоат ташкилотлари, балки ташаббускор ННТ ўртасида мустаҳкам ўрнатилиши аёллар турмуш даражасини янада яхшилаш, оилалар билан ишлашга зарур шарт-шароитларни яратади. Бинобарин, ҳозирги вақтда 530 дан зиёд ННТ аёллар ҳаётининг янада яхшиланишига, оила иқтисодининг юксалишига ҳисса қўшмоқда.

Мухтасар айтганда, юқоридаги Қонун ижросининг оғишмай таъминланиши давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, айниқса, хотин-қизлар саломатлигини асраш, имкониятларини рўёбга чиқариш, ёш авлодни баркамол этиб вояга етказиш борасидаги ишлар кўламини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

**Зиёда АШУРОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

САНА

*Бугунги кунда дунёда экологик муаммолар тобора долзарб бўлиб бораяпти. Шу боис қатор нуфузли халқаро ташкилотлар, хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жаҳон ҳамжамияти эътиборини атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиат неъматларини асраб-авайлаш, улардан оқилона фойдаланиш йўлида ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишга қаратиб келаяпти.*

# Аҳоли фаровонлиги ва экологик барқарорлик омили

1994 йилдан буён анъанавий тарзда нишонланаётган 17 июнь — Жаҳон чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши кураш куни бу борада муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, чўлланиш ва қурғоқчилик инсон омили ҳамда иқлим ўзгариши, хусусан, глобал исиш таъсирида дунёнинг барча минтақасида кузатилаётган ер деградацияси ҳодисасига сабаб бўлаяпти. Ўрмонларнинг беаёв кесилиши, суғориш ишларининг тўғри йўлга қўйилмагани унумдор ерларни яроқсиз ҳолатга келтирмоқда. Маълумотларга кўра, ушбу салбий жараён сайёрамиз аҳолисининг бешдан бир қисмига таҳдид солаётган бўлса, қуруқлик майдонининг учдан бир қисми саҳрога айланиш хавфи остида турибди. Сув, шамол эрозияси, тупроқда озуқа моддалари миқдорининг камайиши, шўрланиш, ифлосланиш, зичлашиш, ботқоқланиш, чўкиш жараёнлари таъсирида ҳар йили 7 млн. гектар экин майдонлари қишлоқ хўжалиги фойдаланувидан чиқиб кетмоқда. Ўз навбатида, бу каби экологик офат қурғоқчил иқлимли ўлкаларда экологик тизимларнинг бузилиши, улардаги органик ҳаётнинг барча шакллари ёмонлашуви, табиий-иқтисодий имкониятлар пасайиб кетишига олиб келаётир.

Табиатдаги мазкур салбий ҳолатнинг олдини олиш, бу борадаги ҳамкорликни кучайтириш мақсадида 1994 йилда БМТ томонидан чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши кураш бўйича конвенция қабул қилинди. Ушбу ташкилот ер ресурсларининг экологик барқарорлик, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда қашшоқликка қарши курашишдаги ўрнини инсониятга эслатиш мақсадида жорий йилга “Халқаро тупроқ йили” деб ном берди.

Мамлакатимизда юқоридаги каби экологик муаммоларнинг олдини олиш, ер ресурсларини асраб-авайлаш, унинг унумдорлигини ошириш, мелиоратив ҳолатини яхшилашга алоҳида аҳамият берилаяпти. Хусусан, Орол денгизи билан боғлиқ қалтис вазиятни юмшатишга дунё ҳамжамияти нигоҳи қаратилиб, амалий ишлар қилинаяпти. Бу бежиз эмас, албатта. Олимларнинг аниқлашича, Оролнинг қуриган ҳудудидан ҳар йили 100 млн. тонна атрофидаги туз ва бошқа минерал моддалар шамол орқали юзлаб километрларга тарқалмоқда. Шунинг ўзиёқ бу фожиа бутун инсоният дардига айланганини кўрсатади.

Давлатимиз раҳбари томонидан нуфузли халқаро минбарлардан туриб Орол муаммоси оқибатларини бартараф этиш бўйича самарали чоралар кўриш муҳимлиги кўп бор таъкидлаб келинаяпти. Хусусан, Президентимиз ушбу масалани илк бор 1993 йил 28 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида кўтариб чиққан бўлса, 2000 йил 8 сентябрь куни мазкур ташкилот Мингйиллик саммитида унинг Атроф-муҳит бўйича дастури шафелигида Орол денгизи ва Оролбўйи муаммолари бўйича кенгашни ташкил қилиш ташаббусини илгари сурди. Шунга уйғун тарзда мустақилликка эришгач, Ўзбекистон Оролни қутқариш халқаро жамғармасини тузиш ташаббускорларидан бирига айланди.

Айни чоғда Оролбўйи минтақаси экологиясини яхшилаш, экологик бўҳрон оқибатларини юмшатиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар изчил олиб борилаяпти. Яъни табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга соладиган ва табиатни муҳофаза этиш самарадорлигини оширишга қаратилган қатор қонунлар қабул қилинди. Республикамиз соҳадаги асосий халқаро ҳужжатлар, чунончи, чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши кураш бўйича, трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланишга оид конвенцияларга қўшилди. Қолаверса, сув ресурслари тақчиллиги ва чўлланиш муаммоларини ҳал этиш, обиҳаётдан тежамкорлик билан фойдаланиш, ерларнинг шўрланиши ва емирилишига қарши курашиш, аҳолининг ичимлик сувидан фойдаланишини яхшилаш давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида.

Пировардида Орол инқирози таъсир кўрсатган ҳудудларнинг ўзида 740 минг гектар, денгизнинг қуриган тубида 310 минг гектар майдонда ўрмонзорлар барпо этилди. Булардан ташқари, ўтган даврда 1 миллион 700 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Бу жами экин экиладиган майдонларнинг ярмидан зиёди ҳисобланади. Ана шундай ишлар натижасида сизот сувлари энг оғир даражада, яъни 2 метргача юзада жойлашган ерлар қарийб 500 минг гектарга ёки учдан бирига камайди, кучли ва ўртача шўрланган ерлар эса 100 минг гектарга ёки 12 фоизга қисқарди. Мелиорация тадбирлари амалга оширилган экин майдонларида пахта ҳосилдорлиги гектарига ўртача 2-3 центнер, бошоқли дон экинлари эса 3-4 центнерга ошди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, хусусан, унинг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари, Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмиталари аъзолари ҳам бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишга ўзини масъул ҳамда дахлдор деб билади. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, соҳага оид қонунчилик ҳужжатларини янада такомиллаштириш, уларнинг сўзсиз ижроси устидан қатъий парламент ва жамоатчилик экологик назоратини олиб бориш йўлида аниқ мақсадли чора-тадбирлар кўрилади. Жумладан, жорий йилда Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича Давлат дастурининг бажарилиши назорат-таҳлил тартибида ўрганилиб, унинг натижалари таҳлил қилинади ҳамда зарур таклиф, тавсиялар ишлаб чиқилади.

Зотан, юқорида айтиб ўтганимиздек, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш чўлланиш ва қурғоқчиликнинг олдини олиш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, мўл ҳосил етиштириш, экологик барқарорликни таъминлашнинг асосий омилларидан биридир.

**Даврон ТАНГИРОВ,**
**Собит ТУРСУНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари.**



“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан республикамизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларига нисбатан ҳамюртларимиз фикрини ўрганишга бағишланган социологик тадқиқот ўтказилди.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Канаданинг "Hudson's Bay" ритейлери Германиянинг "Kaufhof" универмаглар тармоғини сотиб олмоқчи. "Евроньюс" телеканали хабарига кўра, ушбу келишув харидор учун 2,8 миллиард еврога тушади.*

## Келишувга эришди

"Kaufhof" мамлакатдаги энг йирик савдо тармоғи ҳисобланиб, Германияда унинг 120 та, Бельгияда эса 16 та дўкони мавжуд. Муассасанинг йиллик умумий савдо ҳажми 3,1 миллиард еврога тенг.

Мазкур харид орқали "Hudson's Bay" жаҳон бозоридаги мавқеини янада мустаҳкамлайди.

## Энг узун темир йўл

*Хитойда дунёдаги энг узун темир йўл линияси ишга туширилди.*



У мамлакат шимоли-шарқидаги Харбин шаҳрини Германиянинг Гамбург шаҳри билан боғлайди. Ўртадаги масофа 9,8 минг километрдан зиёдроқ бўлиб, поезд белгиланган манзилга 15 кунда етиб боради.

Мутахассисларнинг изоҳлашича, "Харбин — Гамбург" йўналиши орқали юкларни ташишга автомобиль ва денгиз йўлига нисбатан икки баробар кам вақт сарфланади. Ушбу линияда биринчи поезд 13 июнь куни Харбиндан йўлга чиқди.

## Вулқон яна "уйғонди"

*Индонезиянинг Суматра оролидаги Синабунг вулқони яна фаоллашди.*



Мамлакат ҳукумати унинг хавфлилик даражасини энг юқори, дея баҳолаган. Шу боис қарийб уч минг киши бошқа жойга кўчирилди. Қурбонлар ҳақида маълумотлар йўқ. Лекин гуманитар ҳалокат кузатилиши мумкинлиги айтилмоқда. Гап шундаки, вулқондан ажралиб чиқаётган лава ва кул 60 километр олисда жойлашган Медан шаҳри ҳудудини тобора қамраб олаяпти.

Синабунг 400 йиллик "уйқу"дан сўнг 2010 йилда қайта "уйғонган" эди. У охирги бор ўтган йили фаоллашган. Ўшанда 17 киши ҳаётдан кўз юмганди.

## Тадқиқотчилар хулосаси

*Бир гуруҳ олимлар инсонларнинг касалликка чалиниши улар туғилган ойларга боғлиқми ёки йўқми, деган саволга жавоб топишга уриниб кўришди.*

Тадқиқот давомида 1985 — 2013 йилларда турли хасталик туфайли шифокорлар назоратида бўлган 1,7 миллион кишига тегишли маълумотлар кўздан кечирилди. Ажабланарлиси, бир ярим мингдан кўпроқ одамнинг ўрганилган касаллик тарихида 55 та ҳолатда соғлиқнинг ёмонлашиши улар туғилган ойга бевосита боғлиқлиги аниқланган. Масалан, июль ва октябрь ойларида таваллуд топганларда астмага чалиниш хавфи юқори бўлган. Ноябрда дунёга келганларнинг кўпчилиги эса диққатни жамлаш ва шунга ўхшаш касалликлардан азият чеккан. Саломатлиги энг мустаҳкам кишилар май ойида туғилганлар экан.

## Ўн олти соат пиширилган таом

*Италиялик ошпазлар энг узун пицца тайёрлаб, дунё рекордини янгилашди.*



Ренде шаҳрида пиширилган ушбу таомнинг узунлиги 1,2 километрга тенг бўлиб, уни тайёрлаш учун 16 соат вақт сарфланди. Ушбу жараённи 60 минг нафарга яқин одамлар кузатиб борди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, бу борадаги аввалги рекорд испаниялик ошпазларга тегишли эди. Улар 2011 йилда 1,14 километрлик пицца пиширишган.

## Ҳеч кимга зарар етмади

*Ҳиндистоннинг Уттар-Прадеш штатида мамлакат ҳарбий ҳаво кучларига тегишли самолёт қулаб тушди.*

Учувчи катапульта ёрдамида омон қолган. Жароҳатланганлар йўқ. Мудофаа вазирлиги воқеа юзасидан текширув олиб бормоқда.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди "Фуқаролик жамияти институтларининг жисмонан соғлом ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашга йўналтирилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш" мавзуида**

## ДАВЛАТ ГРАНТИ БЕРИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Танловга давлат рўйхатидан ўтган фуқаролик жамияти институтларининг қуйидаги мақсадлардан келиб чиққан лойиҳалари қабул қилинади:**

1. Ўсиб келаётган ёш авлодда ўзидан катталарга ҳурмат, кичикларга иззатда бўлиш каби инсоний фазилатларни, она-юртга, ўз халқига чексиз муҳаббат ва садоқатни шакллантириш.

2. Оилада, жамиятда ёши улуғларнинг ўрнини, қадрини, обрўсини ошириш. Болалар ва ёшларни ўз ота-оналарига, жумладан, ҳар бир нуронийга нисбатан чуқур ҳурмат ҳамда ғамхўрлик руҳида тарбиялаш.

3. Ёшларнинг туғилиб ўсган юрти, унинг маданияти ва меъморий обидалари ҳақидаги билимларини бойитиш мақсадида амалга оширилган ишлар, жумладан, экскурсиялар уюштириш, буклетлар чоп этиш, стендлар ташкил этиш ва ҳоказолар.

4. Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларнинг давлат ҳамда жамият қурилиши борасида амалга оширилган ислоҳотлар ҳақидаги хабардорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар.

5. Ёш авлоднинг фан ва санъатга бўлган иштиёқини янада ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг республика ҳамда халқаро танловларда, олимпиадалар ва мусобақаларда иштирокини таъминлаб, интеллектуал салоҳиятларини намойиш этишида рағбатлантириш.

6. Ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида жисмоний тарбия ва спорт ишларини янада кенгайтириш, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда яшовчи ёшларни соғлом турмуш тарзи бўлган спортга жалб этиш учун шароитлар яратиш.

7. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни ичкиликбозлик, гиёҳвандлик каби иллатлардан, "оммавий маданият"нинг зарарли таъсирларидан асраш.

8. Ёшлар ўртасида эрта никоҳ ва ажралишларнинг, оиладаги ижтимоий-психологик муаммоларнинг олдини олиш, ирсий ва туғма касалликлар профилактикаси бўйича уларнинг билимларини юксалтириш, ёшларда соғлом, мустаҳкам оилани барпо этишга бўлган интилишни шакллантириш.

9. Соғлом ва мустаҳкам оилани шакллантиришга йўналтирилган маънавий-маърифий, тиббий-маслаҳат тадбирларини ташкил этиш, ёш оилаларга эътиборни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш.

10. Миллий қадриятларни сақлаш ва янада мустаҳкамлашда, жамиятда юксак маънавий муҳитни қарор топтиришда, жисмонан соғлом, маънан етук ва баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини кучайтириш.

11. Ёшларни, жумладан, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, айниқса, қишлоқ жойларда оилавий бизнесни ривожлантириш учун шароитлар яратиш.

12. Жисмоний имконияти чекланган болаларни қўллаб-қувватлаш, уларни спорт турларига, фан ва санъатга жалб қилишнинг амалий чораларини кўриш.

13. Жойларда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини ташкил этишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтириш.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим.**

1. Ариза тақдим этилаётганлиги ҳақида нодавлат нотижорат ташкилоти раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган кузатув хати.

2. www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда ёзилган грант лойиҳаси (аризаси).

3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси.

4. Низом нусхаси (охирги ўзгариш ва қўшимчалар) ташкилот муҳри билан тасдиқланган.

5. Агар лойиҳа лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, лицензия нусхаси.

6. Мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаш борасида манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тақдимнома ёки хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 25 млн. сўмгача.

Ҳужжатлар 2015 йил 15 июндан 15 июлгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар "Ўзбекистон почтаси" орқали муҳрланган конвертда (А4 формат): Тошкент шаҳри, 100035, Бунёдкор шоҳкўчаси, 1-уйда жойлашган **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди"** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг **www.fundngo.uz** расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди "Атроф-муҳитни муҳофаза қилишда, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда аҳоли, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаоллигини ошириш" мавзуида**

## ДАВЛАТ ГРАНТИ БЕРИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Танловга давлат рўйхатидан ўтган фуқаролик жамияти институтларининг қуйидаги мақсадлардан келиб чиққан лойиҳалари қабул қилинади:**

1. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида мамлакатда амалга оширилаётган ташкилий-ҳуқуқий чоралар ҳақида аҳоли хабардорлигини таъминлаш, жойлардаги долзарб экологик муаммоларни ҳал қилишда аҳоли фаоллигини ошириш;

2. "Экологик назорат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳияти тўғрисида ҳамда мазкур Қонун меъёрларининг бажарилиши ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш;

3. Аҳолининг экологик ва тиббий маданиятини ошириш, айниқса, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш соҳасида ННТ фаолиятини ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан экологик назоратни амалга ошириш амалиётини ОАВда кенг ёритилишини таъминлаш;

4. Кенг ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш ва жамоат экологик назоратини амалга ошириш орқали атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида қонунчилик талаблари бузилишининг олдини олиш;

5. Атроф-муҳит муҳофазасини кучайтириш, унинг аҳоли саломатлигига салбий таъсирининг олдини олиш, соғлом авлодни тарбиялаш ва жамиятда соғлом турмуш тарзини оммалаштириш учун зарур шароитларни шакллантириш;

6. Ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, ҳашарлар, турли тадбирлар ва акциялар ўтказиш орқали маҳаллаларда санитария-экологик вазиятни яхшилаш соҳасида аҳолининг жамоавий фаоллигини ошириш;

7. Кўчалар ва тураржой мавзеларининг ташқи қиёфасини, санитария ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича вазифалар ижросида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳамияти ва ўрнини ошириш;

8. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, жамоат экологик назоратини амалга оширилишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг бажарилишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллигини ошириш;

9. Экологик тоза ва ресурс тежайдиган технологияларни жорий қилиш ҳисобига табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш ва қайта тикланувчи экологик тоза муқобил энергия манбаларини татбиқ этиш;

10. Атроф-муҳит ифлосланиши даражасини камайтириш, ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти чиқиндилари билан атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича технологияларни жорий қилиш;

11. Экологик ҳалокат — Оролбўйи ва мамлакатнинг бошқа экологик номақбул ҳудудларида экологик ҳолатни қайта тиклаш ва соғломлаштириш;

12. Экологик таълимни ривожлантиришга, экологик билимларни тарғиб қилишга, аҳолининг экологик маданиятини оширишга, экологик муаммоларни ҳал қилишга аҳолининг турли қатламларини кенг жалб этиш.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим.**

1. Ариза тақдим этилаётганлиги ҳақида нодавлат нотижорат ташкилоти раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган кузатув хати.

2. www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда ёзилган грант лойиҳаси (аризаси).

3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси.

4. Низом нусхаси (охирги ўзгариш ва қўшимчалар) ташкилот муҳри билан тасдиқланган.

5. Агар лойиҳа лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, лицензия нусхаси.

6. Мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаш борасида манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тақдимнома ёки хати илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 25 млн. сўмгача.

Ҳужжатлар 2015 йил 15 июндан 15 июлгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар "Ўзбекистон почтаси" орқали муҳрланган конвертда (А4 формат): Тошкент шаҳри, 100035, Бунёдкор шоҳкўчаси, 1-уйда жойлашган **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди"** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг **www.fundngo.uz** расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

# Билимдонлар баҳси

*Пойтахтимизда "Билимлар беллашуви — 2015" кўрик-танловининг мамлакат босқичи бошланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан иқтидорли ўқувчилар иштирок этмоқда.*

ТАНЛОВ



Танлов олдидан ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири У. Иноятов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ёшларни чуқур билимли ва юксак маънавиятли инсонлар этиб вояга етказишга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлашди. Анъанавий "Билимлар беллашуви" илмий ва ижодий салоҳияти билан тенгдошларига ибрат бўлаётган ўғил-қизларни аниқлаш ҳамда рағбатлантириш қаторида, давлат таълим стандартларида белгиланган талабларнинг жойлардаги ижросини атрофлича ўрганиш, таҳлил этиш, умумтаълим мактаблари ва ҳудудий халқ таълими бошқаруви идоралари фаолиятига холисона баҳо бериш каби мақсадларга йўналтирилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

— Бу йилги "Билимлар беллашуви"да умумтаълим мактабларининг 5 — 8-синф ўқувчилари 17 фан бўйича ўз билим ва иқтидорини синовдан ўтказаяпти, — дейди Халқ таълими вазирлиги масъул ходими Б. Шайвалиев. — Танловнинг қуйи босқичида 2,1 миллион нафарга яқин ўқувчилар иштирок этгани унинг қамрови нақадар кенглигидан далолат беради. Кучли рақобат муҳитида сараланган 520 нафар ўқувчи якуний босқичда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

"Билимлар беллашуви — 2015"нинг республика босқичи дастлаб аниқ, табиий ва ижтимоий фанлар йўналишида ўтказилмоқда. Филология фанлари (ўзбек тили ва адабиёт, инглиз, француз, немис ва рус тиллари) йўналиши бўйича беллашувлар шу йилнинг 29 — 30 июнь кунлари бўлиб ўтади. Синов жараёнига ёзма иш, лаборатория машғулотлари, хорижий тиллар бўйича ёзма ва оғзаки мулоқот кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган назорат турлари киритилган.

— Танловда иқтисодий билим асослари фани бўйича қатнашаяпман, — дейди Жиззах вилоятининг Бахмал туманидаги 8-мактаб ўқувчиси Озода Абдумажидова. — Мақсадим совриндорлар сафидан жой олишдир. Келгусида эса иқтисод фани бўйича зўр мутахассис бўлиб етишмоқчиман.

Билимлар беллашувида юқори натижага эришган ўқувчи-ёшлар Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида жойлашган "Қуёшли" интеллектуал-ривожлантириш оромгоҳида ҳордиқ чиқариш имкониятига эга бўлади. Улар учун моҳир педагоглар, профессор-ўқитувчилар, олимлар, маданият ва санъат намояндалари иштирокида фан, шеърият кечалари, маҳорат сабоқлари, викторина ҳамда мусобақалар ташкил қилинади.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

# Ғамхўрликдан дилларда қувонч

*Хонқа туманида мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида фаоллик кўрсатаётган бир гуруҳ ёш оилалар яқинда қуриб битказилган "Камолот" уйига кўчиб ўтди.*

ЭЪТИБОР

Янги хонадонларнинг калитларини топширишга бағишлаб ўтказилган маросимда сўзга чиққанлар юртимизда ёш авлодни баркамол қилиб вояга етказиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилаётганини таъкидладилар. Ватанимиз равнақига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган йигит-қизлар тураржой билан таъминланаётгани, уларга бўлган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Сузиш бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақаларида фахрли ўринларни эгаллаган, қатор нуфузли беллашувлар ғолиби Машраббек Ҳозиров ҳам ана шундай бахтли оилалар соҳибларидан бири. Ҳозирги кунда у Урганч олимпия захиралари коллежида мураббийлик қилаяпти.

— Бундай кўркам ва шинам уйда яшашнинг ўзи бир бахт, — дейди М. Ҳозиров. — Хонадонларнинг узоқ муддатга, бошланғич бадалсиз, имтиёзли кредит асосида берилиши биз учун катта имкониятдир. Бу ғайратимизга ғайрат қўшаяпти.

Айтиш жоизки, бундай муҳташам уйлардан яна иккитаси Хива ва Гурлан туманларида ҳам фойдаланишга топширилди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 16 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1964,41 | 1 Исландия кронаси | 19,19 | 1 СДР | 3572,17 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3955,55 | 1 Канада доллари | 2065,23 | 1 Туркия лираси | 936,90 |
| 1 Дания кронаси | 382,69 | 1 Хитой юани | 410,10 | 1 Швейцария франки | 2732,29 |
| 1 БАА дирҳами | 693,23 | 1 Россия рубли | 46,70 | 1 евро | 2863,08 |
| 1 АҚШ доллари | 2546,22 | 1 Украина гривнаси | 120,91 | 10 Жанубий Корея вони | 22,83 |
| 1 Миср фунти | 333,93 | 1 Малайзия ринггити | 677,10 | 10 Япония иенаси | 206,31 |
| | | 1 Польша злотийси | 688,06 | | |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

Ҳурматли тадбиркорлар!

IPOTEKA BANK

**«ИПОТЕКА-БАНК»**

**сизларга «Export Import Bank of Korea» (Корея Республикаси), «Landesbank Berlin AG» (Германия) ҳамда «Commerzbank AG» (Германия)ларнинг кредит линиялари ҳисобидан хорижий валютадаги кредитларни таклиф этади.**

**Кредит олишнинг асосий шартлари:**

| | | |
|---|---|---|
| **Лойиҳа** | **Экспортга мўлжалланган, импорт ўрнини босувчи, шунингдек, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш билан боғлиқ лойиҳалар** | |
| **Қарз олувчи** | Ўзбекистон резидентлари — жисмоний шахс, кичик бизнес, қўшма корхона ҳамда акциядорлик жамиятлари. | |
| **Мақсади** | «Export Import Bank of Korea» | Корея Республикасидан асбоб-ускуналар сотиб олишни молиялаштириш. |
| | «Landesbank Berlin AG» | Германиядан асбоб-ускуналар сотиб олишни молиялаштириш. |
| | «Commerzbank AG» | Германиядан асбоб-ускуналар сотиб олишни молиялаштириш. |

**Маълумот учун телефонлар: (+99871) 150-89-61, 150-89-31, 150-89-30.**

869А/433

Хизматлар лицензияланган.

ЭЪЛОНЛАР

**«АСАКА» банки**

ASAKA BANK

**қурилаётган объект бўйича қурилиш-монтаж ишлари мониторингини олиб бориш ҳамда назорат қилиш учун меҳнат шартномаси асосида белгиланган муддатга техник назоратчи лавозимига ишга таклиф этади.**

**Номзодларга қўйиладиган талаблар:**

- қурилиш соҳасида меҳнат стажи 10 йилдан кам бўлмаган;
- олий маълумотга эга;
- ёши 35 дан 50 ёшгача бўлган;
- компьютердан эркин фойдаланадиган.

**Маълумотларни қуйидаги электрон манзилга жўнатишингизни сўраймиз: contact@asakabank.com**

**Қўшимча маълумот учун телефон: (+99871) 120-39-58.**

**Факс: (+99871) 120-39-43.**

868А/32

Тошкент давлат техника университети жамоаси Нефть-газ объектларини лойиҳалаштириш кафедраси катта ўқитувчиси

**Шавкат Болтаевич ФАРМАНОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.



Франциянинг "France 2" етакчи телеканали Ўзбекистоннинг афсонавий шаҳарлари — Самарқанд ва Бухоро ҳақидаги махсус репортажларни ўзининг 10 миллион нафардан зиёд томошабинлари эътиборига ҳавола қилди.

# Спорт



*Пойтахтимизда бокс бўйича 1999 — 2000 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионати Ўзбекистон вакилларининг ёрқин ғалабаси билан якунланди.*

## Боксчиларимиз Осиёда тенгсиз

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, мамлакатимиз бокс федерацияси ҳамда Осиё бокс конфедерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу нуфузли мусобақада қитъамизнинг ўн тўрт давлатидан юздан зиёд спортчилар қатнашди.

Фахрланарли жиҳати, беллашувларни ажойиб тарзда ўтказган етти нафар ҳамюртимиз олтин, беш нафари эса кумуш медалга сазовор бўлди. Хусусан, Баҳодир Баротов, Билолбек Мирзараҳимов, Темур Мержанов, Яҳёхон Саидхонов, Қосимхон Қосимов, Аббосхон Мирзаабдуллаев, Профсор Роримша ўз вазн тоифасида Осиё чемпионлигига эришди.

Ҳалимбек Ўтегенов, Жаҳонгир Раҳмонов, Муроджон Алиев, Саиджамшид Жаъфаров, Темурбек Саъдуллаев, Дилшодбек Рўзиметов эса кумуш медални қўлга киритди.

Шу тариқа Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Мазкур натижа ўзбек бокс мактабининг нуфузини халқаро миқёсда яна бир карра кенг намоён қилди.

Мусобақанинг ёпилиш маросимида Халқаро олимпия қўмитаси президенти Томас Бах, Осиё миллий олимпия қўмиталари ассоциацияси ва Осиё олимпия кенгаши президенти Шайх Аҳмад ал-Фаҳад ал-Сабоҳ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икромов иштирок этди.

*Бадиий гимнастикачиларимизнинг халқаро майдондаги навбатдаги муваффақияти ҳақида Жанубий Кореядан хушхабар олдик.*

## Маҳорат ва эътироф

Ушбу мамлакатда уюштирилган қитъа чемпионатида вакилларимиз муносиб қатнашиб, мухлису мутахассислар эътирофига сазовор бўлди. Жумладан, жамоавий кўп кураш баҳсларида Анора Давлатова, Елизавета Назаренкова, Анастасия Сердюкова олтин медаль билан тақдирланди. Улар бу борада мезбон мамлакат ҳамда қозоғистонлик гимнастикачиларни ортда қолдиришди.

Гуруҳ беллашувларида Луиза Ғаниева, Зарина Қурбонова, Самира Амирова, Марта Ростобурова ва Валерия Давидовадан иборат терма жамоамиз бронза медални қўлга киритди.

Хитойлик спортчилар олтин, Япония терма жамоаси эса кумуш медаль билан тақдирланди.

Алоҳида предметлар бўйича машқ бажаришда ҳам қизларимиз юксак истеъдод ва маҳорат соҳиби эканликларини намоён этишди. Хусусан, Елизавета Назаренкова булава ва тўп билан машқ бажаришда олтин ҳамда кумуш медалга сазовор бўлди. Анастасия Сердюкованинг ҳалқа ва тасма билан қилган чиқиши иккинчи ўринга лойиқ кўрилди.

Гуруҳлар ўртасида "беш тасма" деб номланган машқни бажаришда ўзбекистонлик спортчилар бронза медални қўлга киритди.

*Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрида дзюдо бўйича ўтказилган Гран-при туркумига кирувчи халқаро турнирда икки нафар полвонимиз совриндор бўлди.*

## Гран-придаги муваффақият



Жумладан, Яҳё Имомов ўз вазн тоифасида венгриялик Аттила Унгвари, болгариялик Иваило Иванов, германиялик Свен Мареш, россиялик Станислав Семёнов ва франциялик Алан Шмиттни мағлубиятга учратиб, олтин медални қўлга киритди.

Яна бир вакилимиз Шарофиддин Лутфуллаев эса кучли учликдан жой олди.

## Қитъа биринчилигида юксак натижа

*Ҳиндистонда эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида ҳам ҳамюртларимиз қувонарли натижа қайд этишди.*

Нуфузли мусобақада Абубакр Алимов (юнон-рум кураши) ва Набира Есенбоева (хотин-қизлар кураши) шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Маҳмуд Бахшуллаев, Шаҳодат Жўллибоева, Аббос Раҳмонов, Рустамбек Жўраев кумуш, Достонбек Турсунбоев, Тўрабек Тиркашев, Ақтенге Кеўнимжоева, Ҳасанбой Раҳимов, Бунёд Тожибоев, Ислом Илҳомов ва Ғулом Абдуллаев бронза медалига сазовор бўлди.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

# Таътил завқи



*Юртимизнинг энг сўлим гўшаларидан бири — Бўстонлиқ туманининг Қизилсув қишлоғида "Меҳрибонлик" болалар соғломлаштириш оромгоҳи ўз фаолиятини бошлади.*

МАВСУМ

Мамлакатимизда навқирон авлод тарбиясига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Жумладан, уларнинг баркамол инсонлар бўлиб вояга етишлари учун барча шарт-шароит яратиб берилаяпти. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш, ҳаётда муносиб ўринларини топишига кўмаклашиш ҳам доимий эътиборда. Бинобарин, "Меҳрибонлик" оромгоҳининг ташкил этилиши ҳам ана шундай хайрли ишларнинг узвий давомидир.

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги мазкур оромгоҳда мавсум давомида Бухоро, Навоий, Самарқанд, Хоразм, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳридаги Меҳрибонлик уйлари, қолаверса, Андижон ҳамда Гулистондаги Болалар шаҳарчаларидан жами 1040 нафар тарбияланувчининг соғломлаштирилиши режалаштирилган. Шу мақсадда бу ерда кенг кўламли ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Жумладан, 277 ўринли ётоқхона, 200 ўринли ошхона, маънавият ва маърифат, тиббиёт, тўгарак хоналари, спорт майдончалари, чўмилиш ҳавзаси, болалар айвончалари, амфитеатр, компьютер синфлари мавсумга тахт қилиб қўйилди.

Тарбияланувчиларнинг вақтини янада самарали ўтказиш мақсадида Республика болалар кутубхонаси ҳамкорлигида 5 мингдан зиёд адабиётларни жамлаган кутубхона ҳам тайёрланди. Қолаверса, зиё масканининг даврий нашрлар билан мунтазам таъминланиши белгилаб қўйилган.

Мавсум давомида болаларнинг қизиқишлари ҳисобга олинган ҳолда бадиий, техник ижодиёт, ўлкашунослик ва экология йўналишидаги 6 та, шунингдек, инглиз тили ҳамда компьютер саводхонлиги тўгараклари ҳам фаолият кўрсатади.

Дам олувчилар учун мавсум давомида турли интеллектуал ўйинлар, кўрик-танловлар, викториналар, спорт мусобақалари ўтказилади. Бунинг учун "Меҳрибонлик"да барча шароит муҳайё. Шунингдек, улар болалар шоирлари, маданият ва санъат арбоблари иштирокида ташкил этиладиган учрашувлар, давра суҳбатлари, ижодий-бадиий кечаларда ҳам қатнашиш имкониятига эга бўлади.

**Абдували ҚУРБОНОВ.**

ЭЪЛОНЛАР


*Ҳурматли тадбиркорлар!*

**«АСАКА» банки**

ASAKA BANK

**«Export Import Bank of Korea» (Корея Республикаси), «Commerzbank AG» (Германия) ва «Landesbank AG» (Германия) кредит линиялари маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларининг инвестициявий лойиҳаларини молиялаштириш бўйича аризалар қабул қилаётганлигини билдиради.**

**Кредитларни расмийлаштиришнинг асосий шартлари:**

| | |
|---|---|
| **Лойиҳалар** | Саноат ёки қишлоқ хўжалиги соҳасида экспортбоп маҳсулотлар тайёрлашга мўлжалланган янги ишлаб чиқариш субъектларини ташкил этиш, кенгайтириш ёки амалдаги ишлаб чиқариш корхонасини реконструкция қилиш. |
| **Қарздор** | **«Export Import Bank of Korea» (Корея Республикаси) кредит линияси бўйича:**<br>● Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компаниялар;<br>● ўз маҳсулотлари ёки хизматларини Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил қилинган компанияларга сотувчи ёки Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компанияларнинг маҳсулотлари ва хизматларини сотиб олувчи компаниялар;<br>**«Commerzbank AG» (Германия) ва «Landesbank AG» (Германия) кредит линияси бўйича:**<br>● Ўзбекистон Республикаси резидентлари — хусусий кичик корхона, қўшма корхона, акциядорлик жамиятлари. |
| **Кредит мақсади** | **«Export Import Bank of Korea» (Корея Республикаси) кредит линияси бўйича:**<br>***Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компаниялар учун:***<br>● асбоб-ускуналар сотиб олиш ва ўрнатиш;<br>● стратегик инвестициялар.<br>**Корея Республикаси капитали қатнашмаган компаниялар учун:**<br>● Корея Республикаси капитали иштирокидаги компанияларга асбоб-ускуналар сотиш ва хизматлар кўрсатиш;<br>● Корея Республикаси капитали иштирокидаги компаниялардан асбоб-ускуналар ва хизматларни сотиб олиш.<br>**«Commerzbank AG» (Германия) ва «Landesbank AG» (Германия) кредит линияси бўйича:**<br>● импорт асбоб-ускуналар ва технологияларни сотиб олишни молиялаштириш ҳамда ишчи капиталини шакллантириш харажатларини қоплаш. |

**Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (+99871) 120-81-77, 120-82-98, 120-82-66, 120-82-29.**

**«Асака» банки — тадбиркорлик тараққиётининг мустаҳкам таянчи!**

www.asakabank.com

861R/32

**ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.**



*Ҳурматли тадбиркорлар!*

**Qishloq Qurilish Bank**

**АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»**

**«Commerzbank AG» (Германия), «Landesbank Berlin» (Германия), Халқаро тараққиёт ассоциацияси (ХТА), Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармаси каби халқаро молия институтлари кредит линиялари ҳисобидан инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш ҳақида хабар қилади.**

**Молиялаштиришнинг асосий шартлари**

| | |
|---|---|
| **Лойиҳалар** | **Замонавий ускуналарни сотиб олиш ва қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш.** |
| **Қарздор** | **Юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари.** |
| **Молиялаштириш мақсади** | **«Commerzbank AG» кредит линияси доирасида:**<br>● Европа мамлакатлари, Япония, Жанубий Корея, Канада ҳамда АҚШда ишлаб чиқарилган замонавий ускуналарни сотиб олиш учун маблағлар ажратилади;<br>● мижоз импорт шартномасининг камида 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ўз маблағи билан иштирок этиши лозим, қолган 85 фоизи кредит линияси ҳисобидан молиялаштирилади;<br>**«Landesbank Berlin» кредит линияси доирасида:**<br>● Германия давлатида ишлаб чиқарилган замонавий ускуналарни сотиб олиш учун маблағлар ажратилади;<br>● мижоз импорт шартномасининг камида 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ўз маблағи билан иштирок этиши лозим, қолган 85 фоизи кредит линияси ҳисобидан молиялаштирилади;<br>**ХТА кредит линияси доирасидаги кредитлар (ёки лизинг хизматлари) Андижон, Бухоро, Жиззах, Фарғона, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида рўйхатдан ўтган ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда қайта ишлашга ихтисослаштирилган хўжалик юритувчи субъектларга қуйидаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун берилади:**<br>● интенсив боғ;<br>● сабзавотчилик ва узумчилик фаолияти учун илғор технологияларни жалб этиш;<br>● қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни замонавий техника воситалари билан таъминлаш;<br>● қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва узоқ муддатга сақлаш ускуналарини сотиб олиш;<br>● энергия тежамкор иссиқхоналар ташкил этиш;<br>**Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармаси доирасида:**<br>● «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси доирасидаги кредитлар (ёки лизинг хизматлари) Сурхондарё вилоятида рўйхатдан ўтган ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда қайта ишлашга ихтисослаштирилган хўжалик юритувчи субъектларга берилади. |

**Маълумот учун телефонлар: (+99871) 150-93-39, 150-76-41, 150-76-42, 150-76-39.**

**АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!**

859A/110

**ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.**


WWW.XS.UZ

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан "Гўзал ва сўлим дам олиш масканлари — халқимиз хизматида" мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 667. 118 971 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.25 Топширилди — 22.25 1 2 3 4 5